



АРТИЛЛЕРИЯНИНГ ЖАНГОВОР ИШИ

Анарбоев Абдулла Абдухакимович¹

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Артиллерия цикли катта
ўқитувчиси, подпоковник,

Уралов Хусан Бобоқулович²

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Муҳандис-сапёр қўшинлари,
кимёвий химоя ва топогеодезик таъминоти цикли катта
ўқитувчиси, доцент, резервдаги подполковник.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-08>

ARTICLE INFO

Received: 25th January 2023

Accepted: 04th February 2023

Online: 05th February 2023

KEY WORDS

Жанговар иши; ўт очиш гуруҳи командири, батарея катта офицери; ўт очиш позицияси; ёпиқ ўт очиш позицияси, ўт очиш гуруҳлари, ўқ-дорилар; миномёт; реактив артиллерия; шахсий таркиб учун пана жой; табиий тўсиқлар кузатув пости, муҳандислик жиҳозлаш, ниқоблаш, окоп, блиндаж.

ABSTRACT

Ушбу мақола артиллерия ўт очиш бўлинмаларининг жанговар иши шахсий таркибнинг қурол (миномёт, реактив артиллерияси жанговар машиналар, танкка қарши бошқарилувчи ракета қурилмалари, батарея катта офицерининг командирлик машинаси) олдидан ўт очиш позициясини эгаллаш ва тарк этиш, ўт очишни тайёрлаш ва олиб бориш ҳаракатлари, ўт очиш позициясида қуроллар ва ўқ-дорилар билан ишлаш бўйича саволлар ёритилган.

Артиллерия қуролли кучларнинг энг қадимги тармоқларидан биридир. Кўп асрлик тарихи давомида артиллерия доимо мавжуд бўлиб бу қўшинларнинг асосий ўқ отиш кучи ҳисобланган. Артиллерия қуролли кучларнинг бошқа бўлинмаларига жангда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Асрлар давомида артиллерия такомиллаштирилмоқда, унинг жанговар жанглари натижасидаги роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Жангларида тўпланган тажриба қуролдан фойдаланишнинг муайян қоидалари ва қонуниятларини аниқлашга имкон берди.

Артиллерия - бу душманнинг тирик кучи, унинг техник воситалари ва моддий объектлари йўқ қилиш учун нисбатан катта калибрли ўқотар қуроллардан фойдаланадиган қуролли кучларнинг тури ҳисобланади.

Жангда артиллериянинг муваффақиятли ҳаракатининг асосий шarti бўлиб, умумқўшин бўлинмалари билан узлуксиз ўзаро ҳаракати ҳисобланади. Артиллерия бўлинмаларининг олови умумқўшин бўлинмаларининг ҳаракатлари мақсади, жойи ва вақти бўйича мувофиқлашган бўлиши керак. Артиллериянинг жанговар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш артиллерия бўлинмалари ва ҳисобларидан юқори жанговар кўникма ва уйғунлашган ҳаракатларини талаб қилади [1].



Артиллерия ўт очиш бўлинмаларининг жанговар иши шахсий таркибни ҳаракати, қуроллар (минамётлар, реактив артиллерия жанговар машиналари, транспорт ўқловчи машиналар, ПТУР қурилмаси), батарея катта офицерининг қўмондонлик машиналари олдидаги ҳаракати, ўт очиш позициясини ташлаб кетиш ва эгаллашга боғлиқ бўлган, ўт очишни юритиш ва тайёргарлик кўриш, қуроллар ва ўқ-дорилар билан муомала қилиш ҳаракатларини ўз ичига олади.

Ўт очиш позицияси – деб батарея ўт очиш гуруҳини (гуруҳ, қуролнинг) ўт очиш учун эгаллаган ёки эгаллашга тайёрлаган ер майдонига аталади.

Батареянинг ўт очиш позицияси ўз ичига қуйидагиларни олади: қуроллар ва ўқ-дори учун жой, батарея катта офицери (бошқарув пункти) машинаси учун жой, шахсий таркиб учун пана жойлар, ўз ўзини ҳимоя қилиш учун окоплар, кузатув пости, шатаклар ва ўқ-дори ташувчи машиналар учун, реактив батарея ўт очиш позицияси эса, ундан ташқари, метеорологик пости ва ўқлаш пункти учун жой. Ўт очиш позицияси **очиқ** ёки **ёпиқ** турда бўлади.

Ёпиқ ўқ отиш позицияси - бу қуроллар (миномётлар, ракета артиллерияси жанговар транспорт воситалари) ўқ отиш пайтида қуруқликдаги душман кузатуvidан яширинган жой.

Очиқ ўқ отиш позицияси - бу қуроллар (миномётлар, ракета артиллерияси жанговар транспорт воситалари) ўқ отиш пайтида қуруқликдаги душман кузатуvidан яширилмаган, ёки ёпиқ ва ниқобланган ҳолда ўқ отиш бошлаши билан кузатиладиган жой.

Бундан ташқари, ўқ отиш позициялари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- **асосий**, барча турдаги жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган;
- **захира**, ўқ отиш позицияларининг асосий майдонини (ўқ отиш позициясини) мақсадли ёки мажбурий тарк этиш билан ўқ отиш вазифаларини бажариш учун мўлжалланган;
- **вақтинчалик**, батарея, бир ёки бир нечта қуролнинг бир қисми сифатида ўт очиш вазифалари, шунингдек, қўллаб-қувватлаш зонасида ишлайдиган ёки олдинги позицияни ҳимоя қиладиган умумқўшин бўлинмалари ёрдамида ўт очиш вазифаларини қисқа муддатли бажариш учун мўлжалланган;
- **сохта**, жанговар бўлинмаларнинг ҳақиқий жойлашуви ҳақида душманни чалғитиш учун мўлжалланган.

Батарея катта офицери – батарея командирининг қарори ва кўрсатмаларига мувофиқ батарея ўт очиш гуруҳларининг жанговар ишларига раҳбарлик қилиш ва ўт очиш гуруҳларига қўйилган вазифаларни бажарилиши учун жавоб беради.

У қуйидагиларга мажбур:

- қўл остидагиларга ўз вақтида вазифаларни қўйишига;
- ўт очиш позициясини танлашга ва уларни топогеодезик боғлашни ташкил қилишга;
- артиллериянинг моддий қисимларини, ўқ-дориларини, батарея катта офицери машинасини, асбоб анжомларни, артиллерия шатакларини ва транспорт ўқлаш машиналарни берилган вазифаларни бажаришга тайёрлашни ташкил қилишига;
- ўт очиш гуруҳларини ўз вақтида жанговар тартибга ёйишга ва ўт очиш вазифаларини бажариш мобайнида уларни бошқаришга;


- моддий захира воситаларини тўлдиришга;
- позицияда ўт очиш гуруҳларини ўз ўзини қўриқлашини ва бевосита мудофаа қилишни ташкил этишга;
- метео пост ва отиш учун ҳисобланган ўрнатмаларни аниқлаш бўйича ҳисобчининг ишини, уларнинг қурол командирлари томонидан тўғри ёзилишини ва қуролларнинг отиш вазифасини бажаришга тайёрлигини назорат қилишга;
- ўт очиш гуруҳлари (қуроллар) билан алоқани ташкил қилишга;
- ўқ -дориларни мавжудлиги ва сарфини ҳисобга олишни юритилиши ва уларни сақлашга;
- ўт очиш позициясини муҳандислик жиҳозлаш ва ниқоблашга раҳбарлик қилишга;
- ўт очиш гуруҳларини тунги жанговар ишга тайёрлашга;
- ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри юритилишига [2].

Ўт очиш гуруҳи командири ҳисобни (ҳисобни) жанговар ишига раҳбарлик қилади, батарея катта офицерининг (батарея командирининг) кўрсатмаларини бажаради ва гуруҳга қўйилган вазифаларни бажарилишига, гуруҳни жанговар тайёргарлиги ва ҳолати учун, гуруҳни жанговар ҳаракатларга тайёрлашга, гуруҳнинг мулкларини, қурол аслаҳаларини, ўқ-дориларини, шатакларни ва жанговар техникаларни сақлаш (асраш) ва тўғри фойдаланишга, ўзибоғлаш гуруҳини тайёргарлигига ва ишига жавоб беради.

Қурол командири ҳисобни жанговар ишига раҳбарлик қилади, батарея катта офицери (ўт очиш гуруҳи командири) кўрсатмаларини бажаради ва ҳисобнинг қўйиладиган вазифаларни бажаришга доимий тайёрлигига, артиллерия шатаклари ва қуролларини техник ҳолатига, ҳисоб томонидан олинган вазифаларни бажарилиши учун жавоб беради. Ҳисоб таркибига кирувчи аскарлар, рақамлар билан номланади.

Батарея қуролларига, биринчи рақамдан (1 дан 6 гача) бошлаб доимий тартиб рақами берилади. Батарея шатакларига (захирадаги шатаклардан ташқари), маълум бир қуролларга бириктирилади.

Ўт очиш позициясида қуроллар тартиб рақами билан ўнгдан чапга, худудда жойлашувни ва ниқобланишни қулайлигини инобатга олиб, имкон қадар бир хил интервалда, чапга (ўнга), пағоналаниб (олдинда ёки ортда) жойлаштирилади (1-расм).



1-расм. Қуролларнинг ўқ отиш ҳолатида жойлашиши

- а) батареянинг олд қисми;
- б) қуроллар орасидаги интервал;



в) асосийга нисбатан интервал;
г) қуролнинг асосийга нисбатан қирраси.

Ўт очиш гуруҳи командири учун окоп иккинчи гуруҳ fronti ўртасидан ортда қазилади.

Қурол командири ўт очиш позициясида қуролдан чапда-ортда тўғриловчи яқинида, батарея катта офицери (гуруҳ командири) кўринадиган жойда туради;

ўзиюрар қурол командири – жанговар бўлимда.

Ҳисоб учун яшириниш жойи окоп тариқасида бўлиши керак. Реактив қурилмалар ҳисоби учун яшириниш жойи хавфсиз зонада, газларнинг ҳисобга таъсирини инобатга олиб 50 м дан кам бўлмаган масофада жойлаштирилади.

Ўқ-дорилар учун жой (ертўла) қуролдан 10-20 метр қуролнинг орқа томонидан ўнгга (чапга), катта қувватли қуроллар учун эса 30-50 метр узоқликда жиҳозланади.

Блиндаж (дала истехкоми) қуролнинг олдида, пана жойларда – батарея фронтининг ўрта орқасида ёки ҳар бир ўт очиш гуруҳининг фронт ўртасида жиҳозланади.

Ўт очиш позициясида танкка қарши қурол ва пулемётларни шундай жойлаштириш керакки, бунда айланма мудофаа таъминланиши шарт.

Кузатув пости душманни танк ва пиёда қўшинлари ёриб ўтиши эҳтимоли бор йўналишларда, кўриш қобилияти мумкин бўлган жойда танланади.

Ўқ-дорилар учун машиналар ва шатаклар худуд шароитидан келиб чиққан ҳолда, одатда қуроллардан ортда (чапда, ўнгга) алоқани ва уларни тез қуроллар олдида келишини таъминловчи (200 дан 500 гача) масофада жойлаштирилади.

Асосий деб – батарея ўт очиш позициясининг координаталари ҳисобида қабул қилинадиган қуролга айтилади. У батареядаги қуролларга нисбатан стволнинг ўртача емирилишига эга бўлиши керак. Асосий қурол этиб: тўртта қуролликда – иккинчи; олти қуролликда – учинчи; саккизта қуролликда – тўртинчилар тайинланади.

Батарея **фронт**и деб – асосий қурол отиш йўналишига перпендикуляр бўйича икки четдаги қуроллар орасидаги масофага айтилади (1-расм).

Қуроллар орасидаги **интервал** деб – қуроллар орасидаги фронт бўйлаб масофага айтилади. У қурол ва минамётлар учун 20-40 м, реактив артиллерия жанговар машиналари ва катта қувватли қуроллар учун 50-100 м ташкил этиши керак.

Асосий қуролга нисбатан **интервал** деб –асосий ва ушбу қурол орасидаги фронт бўйлаб масофага айтилади.

Қуролнинг бир-бирига нисбатан пағона бўлиб жойлашиши (**уступ**) деб – ушбу қурол турган нуқтадан асосий қурол отиш йўналишига перпендикуляр бўйлаб ўтган чизиқгача бўлган масофага айтилади.

Қуролни тўғрилаш деб – қурол стволига нишонгача бўлган масофа тегишли кўтарилиш бурчагини ва нишонга тегишли йўналишни беришга айтилади.

Тўғрилаш (наводка) - тўғрилаш асбоблари, буриш ва кўтариш механизмлари ёрдамида амалга оширилади.

Тўғрилаш нуқтаси (точка наводки) ҳаракатланмайдиган ва имкони борича барча қуроллардан кўринадиган, атрофни ўраб турган предметлардан яққол ажралиб турувчи бўлиши керак, тўғри чизиқли вертикал ҳолатда ва имкон қадар қуроллардан

узоқроқда (200 м дан кам бўлмаган) бўлиши керак. Асосий тўғрилаш нуқтасидан ташқари, асосийнинг йўналишига нисбатан катта бўлган бурчакда захира тўғрилаш нуқтаси танланади.

Иккита тўғрилаш нуқтаси тунги нуқта сифатида жиҳозланади. Қайсидир бир қуролдан умумий тўғрилаш нуқтаси кўринмаган ҳолда, ушбу қурол учун алоҳида тўғрилаш нуқтаси танланади.


Коллиматордан асосий, захира (тунги) тўғрилаш нуқтаси сифатида фойдаланиш мумкин. У одатда қуролдан ортда чапроқда батарея учун умумий бўлган бурчакда панорамадан 6-8 м узоқликда ишлаш учун қулай бўлган жойда ўрнатилади.

Белгиланиш (отмечание) деб – қурол стволи ҳолатига жавоб берувчи, мўлжал ва панорама ўрнатмаларини аниқлашга айтилади.

Бурчак деб – қурол турган нуқтадан соат стрелкаси юришига қарши томонга ҳисобланадиган, тўғриланган қурол стволига қарши йўналиш билан тўғрилаш нуқтасигача бўлган йўналиш орасидаги горизонтал бурчакга айтилади (2-расм).

Асосий бурчак деб – асосий йўналишга тўғриланган қуролнинг бурчакига айтилади.


Энг кичик мўлжал (Мўлжалга олиш мосламаси $P_{мин.}$) деб – мавжуд бўлган заряд билан ўт очишин олиб борилишида снаряд ёпиб қўйиш чўққисидан учиб ўтиши мумкин бўлган энг кам кўтарилиш бурчакига тегишли мўлжалга айтилади [3].



2-расм. Бурчакни аниқлаш

Беркиниш чуқурлиги (глубина укрытия) деб – қуролдан кўриш қобилияти нуригача баландлик бўйича ўлчанадиган, душманнинг ердаги мумкин бўлган кузатув жойига қуролни беркиниш чўққиси орқали йўналтирилган, метрларда ўлчанадиган масофага айтилади.

Пастда қуролларнинг (минамётларнинг) ёпиқ ўт очиш позициясида энг кам бўлган беркиниш чуқурлиги қийматлари келтирилган (3-расм).



3-расм. Беркиниш чуқурлиги


Батарейя (гурух) веери деб – ўт очишни олиб бориш учун бир-бирига нисбатан тўғриланган қуроллар стволининг йўналишига айтилади.

Веер - параллел, бирлаштирилга ва нишон кенглиги бўйича бўлиши мумкин.

Параллел веерда қуроллар стволи каналининг ўқи параллел ҳолатда.

Бирлаштирилган веерда қуроллар стволи канали ўқининг давоми нишон узоқлигида кесишади.

Нишон кенглиги бўйича веерда ёнма-ён турган қуроллар стволи канали ўқининг давоми нишон узоқлигида батареянинг (гурухнинг) қуроллари сонига бўлинган нишон фронтига тенг [4].



4 расм. Батарейя (гурух) веери

а) параллел;

б) бирлаштирилган;

в) нишон кенглиги бўйича.

ОЧИҚ ЎТ ОЧИШ ПОЗИЦИЯСИДАГИ ЖАНГОВАР ИШ

Очиқ ўт очиш позициясини артиллерия бўлинмалари хужумни артиллерия тайёргарлигини олиб бориш даврида ва хужумда тўғридан-тўғри ўт очиш бўйича оловли вазифаларни бажариш учун эгаллайди.



Оловни ва оловли ҳамкорликни бошқаришни қулайлигини таъминлаш учун қуроллар орасидаги масофалар fronti ва чуқурлиги бўйича 100-200 м, гуруҳлар орасида эса 300-500 м ни ташкил қилиши керак.

ЎТ ОЧИШ ПОЗИЦИЯСИНИ (ЎЙИЛИШ МАРРАСИНИ) ТАНЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ЭГАЛЛАШ

Ўйилиш марраси қоида бўйича олдиндан танланади ва тайёрланади. Батарея командири ўйилиш маррасида гуруҳ командирлари билан қуйидаги ишларни олиб боради:

танклар хавфи бор йўналишларни аниқлаштиради;

худуд предметларини шартли номаларини кўрсатади, ориентирлар тайинлайди ва уларга масофани аниқлайди;

гуруҳларнинг ўйилиш марралари, уларнинг вазифалари, ўт очиш чизиқлари, қўшимча отиш секторларини, ҳаракатланиш қатнов йўллари, тиркаш техниклари ва ўқ дорилар ортилган техникларни жойларини танлайди ва кўрсатади;

қўмондонлик кузатув пунктларини танлайди ва уларни жиҳозлаш ишларини ташкиллаштиради;

катта командирлар (бошлиқлар) ва гуруҳ командирлари билан алоқани ташкиллаштириш бўйича кўрсатма беради;

муҳандислик жиҳозлаш ишларини ҳажми тартибини ўрнатади;

гранатомётлар учун позицияларни танлайди ва ўзини ҳимоя қилиш ва қуроллар орасидаги ҳамкорлик бўйича кўрсатма беради;

огоҳлантириш ва бошқарув сигналларини тайинлайди (етказади) ва батареянинг танкка қарши олови чизмасини чизади.

Ўйилиш маррасини танлаш ва тайёрлаши ишлари олдиндан бажарилмаган бўлса, юришдан жанговар тартибга ўйилишдан олдин, батарея (гуруҳ) командири кўрсатилган худудга келиб ёки юришдан жанговар тартибга ўйилиш бўйича вазифани (командани) олиш билан қуйидаги ишларни амалга оширади:

яширин жойда колоннани тўхтатади, худудни баҳолайди, оловли гуруҳлар (қуролларнинг) ўйилиш жойларини, гуруҳларнинг олов чизиқларини (отиш чизиқлари), ориентирлар, батарея (гуруҳ) қўмондонлик – кузатув пунктлари, тиркаш техниклари ва ўқ-дорилар солинган машиналар жойини белгилайди;

гуруҳ (қурол) командирларини чақиради, уларга жанговар тартибга ўйилиш ва ўт очишга тайёргарлик кўриш бўйича вазифалар кўяди;


батарея (гуруҳ) қўмондонлик-кузатув пунктини эгаллайди, душман ва худудни разведка қилиш ишларини олиб боришга киришади.

Агар батарея (гуруҳ) командир ўйилиш марраси тўғрисида маълумотга эга бўлса ёки ҳаракат давомиди уларни аниқлашга эришган бўлса, ҳамда танклар тўсатдан ҳужум қилганда ва чегаралнган вақтда батарея (гуруҳ) колоннасини олдиндан тўхтатмасда батарея (гуруҳ) командири олдиндан ўрнатган тартиб бўйича ўйилишни амалга ошириши мумкин. Бунда жанговар тартибга ўйилишни ҳар-хил варинатлари бўлиши мумкин. Гуруҳлар (қуроллар) орасидаги масофа метрларда кўрсатилади (5-6 расмлар).


1-чи мисол. Батарея командири “**Бурчак орқа томонга 400 жангга**” командасини беради.

Ушбу команда бўйича гуруҳлар ҳаракатларини давоим этиради. Биринчи гуруҳ батарея командири тўхтаган жойдан 400 м олдинга ўнга ёйилади; ушбу узоқликда олдинда чапга учинчи гуруҳ, иккинчи гуруҳ эса батарея командири тўхтаган жой яқинида ёйилади.

2-чи мисол. Гуруҳ командири “Ўйиқ чапга, биринчига 200, учинчига 150 жанга” командасини беради.



5-расм. Гуруҳни бурчак остида жойлашиши
а) орқага, б) олдинга



6-расм. Гуруҳни четлаб чойлашиши
а) чапдан, б) ўнгдан.

Ушбу команда бўйича қуроллар ҳаракатларини давом эттирадилар. Биринчи қурол гуруҳ командири тўхтаган жойдан 200 метр узоқликда ўнг томон олдинда ўт очиш позициясини, учинчи қурол эса-чапда орқа томонда 150 метр узоқликда, иккинчи-гуруҳ командири яқинида эгаллайди.

Нишонларни тўғридан-тўғри отиб яқсон қилиш учун бурчаклар аниқланади ёки отиш йўналиши ҳосил қилинади. Ўт чоиш позицияси олдиндан ёки қорнғу тушиши билан эгалланади. Агар отиш тунги мўлжалга олиш мосламаси ва ёритишсиз амалга оширилса, бундай ҳолатларда ёруғ пайитда қуроллар нишонларга йўналтирилади, ёнбош сатҳ пуфакчаси марказга чиқарилади, буриш нуқтасига белгиланади: сатҳ, бурчак ва қайтаргич ўрнатмалари ёзиб қўйилади.



ОЛОВЛИ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙИШ

Оловли вазифаларни қўйишда нишон кўрсатмаси ориентирлар ва ҳудуддаги предметлардан амалга оширилади.

Нишон кўрсатмаси аниқ, қисқа, тушунарли қабул қилувчи ҳудуддаги нишонни тез топишини таъминлаши керак. Нишон кўрсатмасини барча ҳисоблаш ишлари ушбу кўрсатмани берувчи томонида амалга оширилади.

Ориентирлар ва ҳудуддаги предметлардан нишон кўрсатмасини беришда нишон кўрсатмаси қабул қилувчи жойлашга жойини ушбу ориентирнинг рақами ва жойлашга жойига нисбатан берилади, масалан: **"Учинчига ориентир икки чапга 20 иккита танк, йўқ қилинсин "**.

Нишон кўрсатмасини қабул қилувчи ҳудуддаги нишон тезда топиш чораларини қўришга мажбур. Нишонни жойлашаган жойини аниқлаб, у нишонни алоҳида белгиласи бўйича қидириб топади, агар у нишонни топса "Нишонни кўрдим", агар нишонни тополмаса "Нишонни кўрмадим" деб билдирув беради. Охирги ҳолатда эса нишон кўрсатмасини берувчи кўрсатмани аниқлаштриши ёки қабул қилувчи аниқлашини ва нишонни топишини таъминловчи бошқа усулда қайтариши керак.

Алоҳида ҳолатларда эса нишон кўрсатмаси асбобларни (визирни) бевосита нишонга тўғрилаш билан амалга.

Хужум (қарши хужум) қилувчи танклар гуруҳини йўқ қилиш бўйича оловли вазифаларни бажариб бўлгандан сўнг батарея (гуруҳ) командири команда бўйича ёки мустақил равишда катта командирга (бошлиққа) билдирув берган ҳолда бошқа танклар гуруҳини йўқ қилиш учун оловни қўчиради. Ракеталарни тўлиқ сарфлаб бўлган ТҚБР қуриламаларини батареясини (гуруҳи) ўқлаш батарея (гуруҳ) командирининг рухсати билан автомобиллар жойлашган жойда амалга оширилади. Қурол билан оловли вазифаларни бажаришда қуйидаги командалар берилади:

1. **"Нишон шунақа...** (танк, пиёда, БТР ва ҳ.к)"
2. **"Зирхтешар** (кумулятив, калибр ости ва ҳ.к)".
3. **"Портлатгич шунақа"**.
4. **"Заряд шунақа"** (ўзгарувчан заряд бор қуроллар учун).
5. **"Шкала шунақа"** (агар керак бўлса) .
6. **"Мўлжал 00"**.
7. **"Шу жойига тўғрилансин" "Ўнга (чапга) 0-00 (ярим шакл олдинроққа ёки олдинги қисмига)"**.
8. **"Битта снаряд "** (ёки бошқа тартиб).
9. **"Ўт оч"**.

Понарама туридаги мўлжалга олиш мосламалари бор мўлжалга олиш мосламалари билан отганда бундан ташқари олтинчи командадан кейин қуйидагича команда берилади:

1. **"Қайтаргич нол"**.
2. **"Бурчак 30-00"** (агар нишон ҳаракати йўналиш бўйича ҳисобга олинса, у ҳолда бошқа команда берилади)
3. **"Сатҳ 30-00"**.



Масофа ўзгарган ҳолда мўлжал ўрнатилмалари ўзгартириш учун қуйидагича команда берилади. **"Мўлжал шунчага кўп (кам)"** ёки **"Мўлжал 00"**. Маосфани ўзрагиши билан мўлжалга олиш нуқтасини ўзгартириш учун қуйидагича команда берилади: **"Юқорига (пастга) қаратилсин"** ёки **"Қайтаргич шунча юқорига (пастга)"**. Отиш йўналишини ўзгартириш учун қуйидагича команда берилади: **"Ўнга (чапга) 0-00, ёриш шакл олдинроққа тўғрилансин"** ёки **"Шу жойига тўғрилансин"** [5].

КОМАНДАЛАРНИ БАЖАРИШ ҚОИДАЛАРИ

Ҳаракатланмайдига нишонга отиш учун мўлжалга олувчи **"Нишон шунақа"** деган нишон кўрсатмасини олиб, нишонни аниқлайди, командада берилган ўрнатмаларни мўлжалга олиш мосламаларига ўрнатади, мўлжалга олиш нуқтасини аниқлаб қуролни унга тўғрилайди. Мўлжалга олиш чизиғи боғлиқ бўлмаган қуролларда мўлжалга олувчи бундан ташқари нишон жойи бурчаги механизмига 30-00 (00-00) ўрнатади, нишонга олувчининг ёрдамчиси эса қуролнинг милини мўлжалга олиш мосламаси мили билан бирлаштиради ва **"Тайёр"** деб мўлжалга олувчига билдирув беради.

Мўлжалга олувчи биринчи отишни амалга оширишдан олдин мўлжалга олиш мосламаси ўрнатмалари бўйича берилган командаларни - кейинчалик эса ўрнатмаларни ўзгаришларини қайтаради.

Ҳар бир отишдан олдин ўқлаш, снаряднинг тури ва портлатгич ўрнатмаларини кўрсатувчи командалар бўйича амалга оширилади, агар ўт очиш позициясида бир турли снаряд ва портлатгичлар бўлса келгусидаги барча тартибда ўт очишларда қуроллар нишонни тўлиқ йўқ қилгунча ёки **"Тўхта"** командаси берилгунча ўша турдаги снарядлар ва портлатгичларни бевосита ҳар бир отишда ўқлаган ҳолда амалга оширилади.

Ҳаракатланмайдиган нишонларга отиш қурол командирлари командалари бўйича амалга оширилади.

Ҳаракатланадиган нишонларга отишда биринчи отиш қурол командири командаси бўйича қолганлари эса, тўғрилашни бажариб бўлгандан сўнг мустақил равишда мўлжалга олувчи томонидан амалга оширилади.

Поршенли затвори бор қуролларда отишни ўқловчи мўлжалга олувчини командаси билан амалга оширади.

Ҳаракатланмайдиган нишонга отишда пайдо бўлган чуқур бўйича белгилаш билан, агар у кузатилса, тузатмалари тўғрилаш учун **"Чуқур бўйича белгилансин"** командаси берилади. Мўлжалга олувчи чуқурни жойини аниқлаб, отишдан сўнг тўғрилашни қайта тиклайди, шундан сўнг:

мўлжалга олиш ва ёнбош тузатмаларни киритиш механизмлари билан ҳаракат қилиб марказий учбурчакни чўққисини чуқур билан бирлаштиради ва ўрнатмалар олганда эса қуролни олдинги тўғрилаган нуқтага қаратади.;

агар мўлжалга олиш ва ёнбош тузатмалари механизмлари мавжуд бўлмаган оптик мўлжалга олиш мосламасининг тўрида мўлжалга олиш нуқтасини йўналиши ва баландлиги бўйича қочишлар ўлчанади ва мўлжалга олиш нуқтаси ўлчанган қочишлар катталиги чуқур қочишини қарама-қарши томонига ўзгартирилади;



панорамали мўлжалга олиш мосламаларида ишлашда бурчак ва қайтаргич барабанчаларини ҳаракатга келтириб, панорамани кесишган чизиғи чуқур марказига тўғриланади ва бурчак ва қайтаргич ўрнатмаларини олгандан сўнг қуролнинг йўналтирувчи механизмлар ёрдамида олдинги мўлжалга олиш нуқтасига қаратилади.

Тўғридан – тўғри отишдан нотўғри отишга ўтишда олдиндан буриш нуқтасига белгиланади, бунинг учун қуролни нишонга бургандан сўнг қурол командири **“Буриш нуқтасига белгилансин”** командасини беради.

Ушбу команда бўйича мўлжалга олувчи қуролнинг йўналтирувчи механизмларига тегмасдан, сатҳ барабанини бураб сатҳ пуфакчасини марказга чиқаради, панорамани кесишга чизиғи билан кўрсатилган буриш нуқтасига белгилайди ва **«Мўлжал 00, сатҳ 00, углмйер 00-00»** деб билдирув беради. Қурол командири билдирувдаги ўрнатмаларни ёзиб олади.

Қуролга ва мўлжалга олиш чизиғига боғлиқ бўлмаган мўлжалга олиш мосламаларида нишон жойи бурчагини (сатҳни) аниқлаш учун мўлжалга олувчи минглик шкаласидаги ҳисобни ечади, шундан сўнг мўлжалга олиш мосламасининг кўтариш механизми ёрдамида бўйлама сатҳ пуфакчасини марказга чиқаради, мўлжалга олиш механизми ёрдамида стрелкаларини бирлаштиради ва мўлжалга олиш бурчагига тегишли бўлган иккинчи ҳисобни ечади. Биринчи ва иккинчи ҳисоблар орасидаги фарқи жой ва нишон бурчаги кўрсатгичини аниқлайди.

Ҳаркатланадиган нишонларга отишдан олдин мўлжалга олувчи маркани (кесишган жойни) нишон билан бирлаштиради ва **“Нишон бор”** деб билдирув беради, мўлжалга олиш мосламасининг (панораманинг) бурчак механизми ёрдамида нишонни кузатиб боради.

“Нишон бор” билдируви бўйича қурол командири вақт ҳисобини олиб бради ва 3-5 сония ўтиши билан **“Тўхта”** командасини беради. Мўлжалга олувчининг **“Ўнга (чапга) 0-00”** деган билдирувини қабул қилади, снаряднинг учиш вақтидаги нишонни ҳаракатини ҳисобга олади ва **“Ўнга (чапга) 0-00”** командасини беради. Мўлжалга олувчи оптик мўлжалга олиш мосламасининг (панорама бурчакининг) ёнбош тузатмаларни киритиш шкаласига командада берилган тузатмаларни киритади, кесишган ётиқ чизиғини нишон маркази билан бирлаштиради, тик кесишган чизиғини нишонни ҳаркатланиш йўналиши бўйича бир қанча олдинга чиқаради ва **“Тайёр”** деб билдирув беради.

“Ярим шакл олдинга (олдинги қисмига) тўғрилансин” командаси билан мўлжалга олувчи, узулуксиз нишонни кузатган ҳолда, мўлжалга олиш чизиғи командада берилганидан бир қанча олдинга чиқаради ва мўлжалга олиш мосламасининг кесишган ётиқ чизиғини нишон билан бирлаштиради.

“Ўт оч” командасидан сўнг мўлжалга олувчи мўлжалга олиш механизмнинг тик кесишган чизиғини нишонни маркази билан бирлашгунча (кесишган тик чизиқ ва олдинги қисми орасидаги талаб қилинган оралиқ тўғри келганда) кутиб туриб биринчи отишни амалга оширади, қолган барча отишни командасиз (тўғрилашни бажариб бўлгандан сўнг) бажаради.

“Ярим шаклдан кўп (кам) олдинроққа тўғрилансин” ёки **“Шу жойига тўғрилансин”** командаси билан мўлжалга олувчи олдинги отишдаги тўғрилашни



ҳисобга олган ҳолда йўналиши бўйича олдинроққа командасида берилган мўлжалга олиш нуқтасига ўзгартиради.

“Мўлжал шунчага кўп (кам)” ёки **“Мўлжал 0-00”** мўлжалга олувчи мўлжалга олиш нуқтасини ўзгартирмасдан, ўрнатмани командада берилган сон бўлагига ёки командада берилган мўлжални ўрнатган ҳолда ўзгартиради

“Ўнга (чапга) 0-00” командаси билан мўлжалга олувчи командада берилган бурилиш катталигига (корректурга киритади) ёнбош тузатмалар киритиш механизидан киритади ва олдинги мўлжалга олиш нуқтасига қуролни биради, агар оптик мўлжалга олиш механизмида ёнбош тузатмалар киритиш механизми бўлмаса, у ҳолда мўлжалга олувчи марказий учбурчак чўққисини командада берилган буриш катталигига чиқаради [6].

Агар гуруҳнинг барча ТҚБР қурилмаларидан олиб борилаётган бўлса, гуруҳ командири отиш натижаларини кузатишни бирон-бир ТҚБР қурилмаси ҳайдовчиси зиммасига юклатиши мумкин.

Оператор-ҳайдовчи ҳар бир отишни натижаси бўйича қўйилган вазифаларни бажариб бўлгандан сўнг командирга билдирув беради.

Хулоса

Артиллерия қуроллари таниб бўлмас даражада ўзгарди. Сўнгги қуроллар, гаубицалар, миномётлар, қайтарилмайдиган қуроллар технологик ютуқлар - тунги нишон олувчи мосламалар, локаторлар, электрон оловни бошқариш тизимлари билан биргаликда анча даҳшатли ва аниқ қуролларга айланди.

Артиллерия ривожланишининг асоси ва асосий кўрсаткичларидан бири бу нишонга тегишнинг аниқлиги. “Ақлли” ўқ-дориларни кенгроқ ишлатиш туфайли артиллерия самарадорлиги ошади.

Бундай қуролни боқариш учқун ақлли мутахассис зарурлиги талаб этилади. Жангда янги технологиялардан фойдаланиш ва уларни тўғри қўллаш билиш замонавий артиллерист учун давр талаби бўлиб қолмоқда.

Сўнгги урушлар шуни кўрсатмоқдаки, артиллеристларнинг жанговар тайёргарлиги ва жангдаги жанговар иши уларнинг билим ва салоҳияти, амалий кўникмаларига боғлиқлигини ва тажрибали артиллерист жангда душманни тирик кучи, унинг техник воситалари ва моддий объектлари йўқ қилишда умумқўшин бўлинмалари учун доимий олов билан қўллаб-қувватловчи асосий кучилигича қолмоқда.

References:

1. Артиллерия отиши ва ўт очишнинг бошқариш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент 2019 й.
2. Артиллерия батареясида разведкани ташкиллаштириш ва олиб бориш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Ҳарбий наширёти Тошкент 2020 йил.
3. “Жанговар иш”. Дарслик . - Тошкент 2022 й. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Артиллерия цикли ўқитувчиси резервдаги подполковник А. Анорбоев 73-102 бетлар.



4. Ер усти артиллерияси қуроли командири китоби. Ўқув қўлланма. Тошкент 2006 й.
5. Артиллерия ўт очиш бўлинмаларининг жанговор иши: Дарслик / Ю.И. Литвин [ва бошқ.]; Прометей, 2019. — 352 бет.
6. Артиллерия отишмаларининг жанговар ишлари бўйича қўлланма РФ МВ - М- 2002. 44-50 бет.